Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 4-iyun, payshanba, № 69 (3574)

■ Янгиликлар
■ Воқеалар
■ Хабарлар

Миллий матбуот марказида “Дори-дармон” акциядорлик компанияси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида халқимизни сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида сўз борди.

ТАЛАБГА ЯРАША ХИЗМАТ

Жумладан, кейинги йилларда дори-дармон етказиб бериш ва сақлаш шароитини янада яхшилаш мақсадида жойларда замонавий омборхона ва логистика марказлари барпо этилаётгани, маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган чоратадбирларни ҳаётга татбиқ этишга ҳисса қўшилаётгани, тизимда ахборотлаштириш жараёнини чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган бир қатор лойиҳалар хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Анжуман доирасида журналистлар “Дори-дармон” АКнинг Олмазор туманида жойлашган Марказий омборхонаси фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
“Ishonch” мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Сиёсий ҳушёр, маънавий етук ва ватанпарварлик ғоялари билан шаклланган, ҳар қандай қалтис ҳолатларда жамият манфаатлари йўлида тўғри қарор қабул қила оладиган раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар: муаммо, ечим ва янги тажрибалар” мавзуида матбуот анжуманини ташкил этди.

САЛОҲИЯТ, ТАЖРИБА ВА БИЛИМ

Унда бугунги кунда раҳбар кадрлардан талаб этиладиган фазилатлар, мамлакатимизда уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Таъкидландики, раҳбар кадрларнинг мулоқот, бошқарув салоҳияти, вазминлик, билим, тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Академияда олиб борилаётган тизим жараёнида ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Тадбирда журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
“Ishonch” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Эътибор қилганмисиз: гуллар тинчлик-осойишталик ҳукм сурган, бахт нафаси кезиб юрган юртдагина гуркираб ўсади. Уруш-жанжалли, меҳр-оқибат кўтарилган, тотувлик йўқолган жойда минг парвариш қилманг, яшнаб турган гул ҳам сўлиб қолаверади. Наманганга “гуллар диёри” дея берилган таъриф ҳам бу ернинг одамларига хос меҳнаткашлик ва тантилик, хонадонларидаги файз, шаҳару қишлоқларининг кўрк очганини англатади. Ушбу манзараларни ўз кўзингиз билан кўрганда эса беихтиёр наманганликларнинг шижоати, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигига тан бермай иложингиз қолмайди.

ТАРАҚҚИЁТ МАНЗАРАЛАРИ

ТЕМИР ИЗЛАРДАН МУСТАҲКАМ КЕЛАЖАК САРИ

Наманганнинг остонасидаёқ янгиланишлар, тараққиёт манзараларига кўзингиз тушади. Шубҳасиз, бу асримизнинг энг муҳим қурилишларидан бўлган 124,1 километрлик Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлидир. Темирйўлнинг товланувчи излари водийдаги уч бетакрор вилоятнинг иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий ҳаёти яқин кунлар ичида янада юксакликка кўтарилишини ваъда қилаётгандек тоғ бағрига ўрлайди. Мустаҳкам пўлат изларни кўзингиз билан “қувалаб” бораркансиз, хаёлингизда бундай инжиқ табиий рельефнинг ҳамма қайсарликларини енга олган билимли, тажрибали, энг асосийси, бардошли ва жасоратли йўлсозларнинг меҳнатига тасанно айтасиз.

— Йўл қуриш, айниқса, тоғ бағридан ўтувчи темирйўл барпо этиш мутахассислардан нафақат чуқур билим, балки метин ирода ҳам талаб этади, — дейди Гидротехник иншоотлар қуриш дирекцияси ходими Турғунжон Шаймардонов. — Гуруҳимиз билан Ангрен — Поп темирйўлининг 5-, 45-километрларини қуришда иштирок этдик. Барпо этилаётган ушбу йўл водийликлар учунгина эмас, бутун республикамиз ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Дунёнинг айрим мамлакатларида бир миллат, бир давлат одамлари гуруҳларга бўлиниб, ўзаро қирғинлар уюштираётган паллада ЎЗБЕКИСТОН фуқаролари юрт шаъни, эл бахти учун бирлашаётгани, мана бундай улкан қурилишлар майдонида жонбозлик кўрсатаётгани кимни фахрлантирмайди, бахтиёр этмайди, дейсиз?

(Давоми 2-саҳифада).

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Болалар — мамлакатимизнинг умид ниҳолларидир. Уларни камол топтириш йўлида қилинган ҳар қандай хайрли иш Ватанимиз истиқлолига хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жисмонан ва маънан етук, мустақил фикрлайдиган, ривожланган интеллектуал қобилиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлган, ўз тақдири ва Ватани келажаги учун масъулиятни зиммасига оладиган баркамол авлодни тарбиялаш олдимизда турган энг устувор вазифалардан биридир.

БЕҒУБОР ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧИ



Истиқлол даврида қатор йилларнинг “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Мустаҳкам оила йили”, “Соғлом бола йили” деб номланиши бу борадаги ишларнинг тизимли йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Соғлом ва баркамол авлоднинг шаклланишида касаба уюшма ташкилотларининг ҳам ўз ўрни бор. Бир неча йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган “Касаба уюшмалари — болаларга” акцияси кенг жамоатчилик томонидан эзгулик даракчиси сифатида эътироф этилмоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан касаба уюшма ташкилотлари томонидан ушбу акция доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётир.

Хусусан, “Мурувват” ҳамда “Меҳрибонлик” уйлари — касаба уюшмалари эътиборида” тадбири доирасида республикамизнинг ҳар бир ҳудудидан биттадан “Мурувват” ёки “Меҳрибонлик” уйларида маданий тадбирлар ташкил этилиб, тарбияланувчиларга совғалар улашилди.

Байрам арафасида 7 минг нафардан ортиқ “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, иқтидорли ўқувчиларнинг жойлардаги музей, ботаника, ҳайвонот, маданият ва истироҳат боғларига саёҳатлари уюштирилди.

Болаларнинг жорий йилги ёзги соғломлаштириш мавсуми айнан 1 июндан бошланишида ҳам рамзий маъно мужассам. Бунинг учун республикадаги барча оромгоҳларда тайёргарлик ишлари якунланиб, болажонларни қабул қилишга шай ҳолга келтирилган.

(Давоми 3-саҳифада).

ЁЗ — 2015

ОРОМГОҲ ҚУЧОҒИГА ЙЎЛ

Ёзги таътилда сўлим, баҳаво табиат қўйнида мириқиб дам олишга не етсин! Завқ билан кечувчи бу дамлар болажонлар қалбига унутилмас хотираларни муҳрлаши шубҳасиз. Тошкент вилоятининг Паркент ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги “Бойчечак” ҳамда “Меҳржон” оромгоҳларида дам олиш учун кеча Хоразм вилоятидан пойтахтга етиб келган болажонларнинг юз-кўзидаги қувонч, беғубор қийқириқлари бу фикрни яна бир карра исботлади.



Меҳмонларни Тошкент марказий темир йўл вокзалида Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, оромгоҳлар мутасаддилари ҳамда жамоатчилик вакиллари карнай-сурнай садолари остида кутиб олдилар.

Жорий мавсумда вилоят ҳудудидаги 20 та оромгоҳда 15 мингга яқин, халқ таълими тизими тасарруфидаги муассасаларда ташкил этилган 130 та кундузги оромгоҳда эса 32 минг 314 нафар ўғил-қизнинг дам олдирилиши кўзда тутилган. Вилоятнинг табиати сўлим, хушманзара масканларида жойлашган оромгоҳларга Оролбўйи ҳудудларида истиқомат қилувчи 1250 нафар болажоннинг таклиф этилганлиги эса юртимизда ҳар бир фарзанд — меҳр ва эътибор марказида эканининг яққол далили бўлди.

— “Меҳржон” оромгоҳига бешинчи марта келаяпман, — дейди Хива шаҳридаги 20-“Меҳрибонлик” уйи тарбияланувчиси Бобожон Шоматов. — Ҳар гал мириқиб ҳордиқ чиқариб, янги дўстлар орттириб, бир олам таассурот билан қайтаман. Бу йил ҳам шундай имкониятга эга бўлганимдан хурсандман.

— Тошкентга биринчи марта келяпман, — дея суҳбатимизга қўшилди Хонқа туманида яшовчи Зарнигор Сафарбоева. — 5-синфда ўқийман. Таътилда яйраб дам олиш билан бирга турли тўгаракларга, инглиз тили, мусиқа машғулотларига қатнашмоқчиман.

“Меҳржон” болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Олимжон Турсунбоевнинг таъкидлашича, бу йилги мавсумга ҳар галгидан кўра қизғин ҳозирлик кўрилди. Хусусан, муассаса ётоқхонасидаги ўрин-жойлар тўлиқ янгиланди, битта павилон реконструкция қилинди. Оромгоҳ ҳудудида миллий меъморчилик услублари асосида тўртта шийпонча барпо этилди. Кутубхона фонди болалар ёши ва руҳиятига мос 5000 дан зиёд қизиқарли адабиётлар билан бойитилди. Таълим-тарбия ишларига малакали педагог ва етакчилар жалб этилган. Албатта, бу жиҳатлар ёш авлоднинг ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказишларига хизмат қилади.

Оролбўйи болалари шу кунларнинг ўзидаёқ автобусларга ўтириб, улар учун қучоқ очиб турган оромгоҳлар бағрига йўл олишди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
“Ishonch” мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

5 ИЮН — ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

ЖАННАТМОНАНД МАНЗИЛЛАР БЎЙЛАБ

ТАБИАТНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

Беш йилдирки, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш соҳасидаги энг яхши журналистик ишлар учун “Қоплон” республика кўрик-танлови доирасида “Chinor” экологик ноширлик компанияси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари, мутахассислар учун юртимизнинг турли гўшалари, қўриқхоналар, муҳофаза этилувчи ҳудудларига медиа-турлар уюштирилмоқда.

Шундай медиа-турлардан бири бугал Зарафшон ва Нурота давлат қўриқхоналари бўйлаб ташкил этилди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бу йил мазкур қўриқхоналарнинг ташкил этилганига 40 йил тўлди. Бу сана ташкилотчиларнинг эътиборидан четда қолмагани диққатга сазовор.

ЗАРАФШОН

Юртимизнинг экотуризм соҳасидаги имкониятлари жуда кенг ва хилма-хил.

Жумладан, Самарқанд шаҳридан 15 км. узоқликда жойлашган Зарафшон давлат қўриқхонасида қатор йиллардан буён экологик сайёҳликни ривожлантириш ғоялари амалиётга татбиқ этилмоқда. Қўриқхона юртимизнинг сайёҳлик марказларидан бирига яқин эканини ҳисобга олсак, кўп нарса ойдинлашади. Чунки, қадимий шаҳарнинг ихлосмандлари Зарафшон қўриқхонасининг ноёб табиати ҳамда ундаги бой ва хилма-хил флора, фауна дунёси билан танишиш имкониятига эга.



— Қўриқхона ҳудуди 2352 гектарни ташкил этади. Бу ерда ер юзининг ҳеч бир мамлакатида учрамайдиган тилларанг қирғовуллар яшайди. Аслида, қўриқхона ҳам шу ноёб қушнинг муҳофазаси учун ташкил этилган, — деди биз билан суҳбатда Зарафшон давлат қўриқхонаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Бахтиёр Ражабов.

(Давоми 4-саҳифада).

2015-yil 4-iyun, payshanba, № 69 (3574), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТАРАҚҚИЁТ МАНЗАРАЛАРИ



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ: ТАЖРИБА ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИ

Бугун оламшумул кашфиётлар тезда ўз ўрнини бошқасига бўшатиб бераётир. Поп туманининг Янгиобод қишлоғи аҳли бир неча йил аввал қуёш нуридан электр энергияси ишлаб чиқарилишини эшитганда ҳайратланган бўлса бордир, аммо бугун улар учун бу оддий ҳол. Чунки айни шу қишлоқда синов тартибидаги қуёш фотоэлектр станцияси аҳоли эҳтиёжлари учун ишлаб турибди.

— 130 кВт электр токи ишлаб чиқариш қувватига эга станция ҳозирги кунда "Янгиобод" МФЙдаги 200 та хонадон эҳтиёжлари учун қўшимча электр энергияси етказиб бермоқда, — дейди бизга ҳамроҳлик қилган туман ҳокимлиги бош мутахассиси Аҳмаджон Маматов.

Мамлакатимизда энергиянинг қайта тикланувчи, арзон, энг муҳими, экологик жиҳатдан хавфсиз муқобил манбаларини яратиш устида ўзига хос тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, халқаро ҳамкорлик доирасида тажриба алмашилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 25 июндаги "Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи чоғида эришилган келишувларни рўёбга чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори доирасида барпо этилган мазкур объект ҳам шу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Замонавий тажриба станциясидаги қурилиш-монтаж ишлари "Ўзбекэнерго" ДАК ҳамда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари мутахассислари иштирокида "Электрқишлоққурилиш" ОАЖнинг 11-жамланмаси бош пудратчилигида амалга оширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 700 минг АҚШ долларига тенг. 0,3 гектар майдонни эгаллаган станцияга Жанубий Кореянинг "Hanhwa", "JSPV", "S-Energy", "TopSun" каби тўртта йирик компаниясининг беш турдаги панеллари ўрнатилди.

Техник хизмат кўрсатиш ва назорат олиб бориш биноси ҳам тўлиғича автоматлаштирилган.

— Серқуёш Ўзбекистонимиз иқлими ҳам одамлар манфаати учун хизмат қилади, — дейди станция техниги, янгиободлик Неъматилло Жўраев. — Шукр қилиб яшаш ва ишлашимиз учун асосларимиз етарли. Бизда ҳаммаси муҳайё: шароит ҳам, интилиш ҳам, ундан унумли фойдаланишга иштиёқманд одамлар ҳам.

Дарҳақиқат, Неъматилло аканинг сўзларида зарра муболағa йўқ. Станциянинг шундоққина тепасидан оқиб ўтувчи Шимолий Фарғона каналига туташ далаларда қайнаётган ҳаёт, шахсий тракторининг чамбарагини тутганча иш ҳажмини чамалаётган фермер юзидаги хотиржамлик — ҳамма-ҳаммаси бахтиёр ҳаётдан розилик ифодасидир.

"ИСТИҚЛОЛ"ДАН БАҲРА ОЛИБ...

Наманганда "Istiqlol tekstil dizayn" масъулияти чекланган жамиятининг фаолият юритиши кўплаб ёшларнинг интилиш ва иштиёқини бирлаштирди. Корхона раҳбари "Ташаббус — 2011" кўрик-танлови республика босқичи ғолиби Бахтиёр Умаров ўз устида тинимсиз ишлаш борасида тенгдошлари ва эндигина соҳага қадам қўяётган ёшларга намуна.

Вилоят енгил саноати тизимида ўрни ва мавқеига эга мазкур корхона 2005 йили фаолиятини бошлаган. Бу ерда тайёрланаётган костюм-шим, куртка, кўйлак, галстук сингари эркаклар ва болалар уст кийимлари юқори сифатлилиги билан харидорлар эътиборини қозонган. Ҳозирга келиб йилига эллик турдаги бежирим кийимлар ишлаб чиқариляпти. Жамият аъзолари ўтган йиллар давомида маҳсулот сифати ва дизайнини жаҳон андозалари даражасига кўтариш йўлида астойдил меҳнат қилиб, 2011 йили ISO-9001 халқаро сертификатини олишга муваффақ бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 сентябр куни вилоятга ташрифи чоғида ушбу корхона фаолияти билан яқиндан танишган ва нафақат ишлаб чиқариш, балки мода ва дизайнга ҳам эътибор қаратиш зарурлиги юзасидан таклиф билдирган эди. Айни шу таклиф ва ғамхўрлик доирасида "Дўстлик" шоҳкўчасида "Истиқлол дизайн маркази" ишга туширилди. Иншоот қурилиши ва янги технологиялар билан жиҳозланиши учун салкам 2 миллиард сўм миқдорида сармоя йўналтирилди. Бинонинг биринчи қаватидан дизайн ва модалар маркази жой олган бўлса, устки қаватларида эса йилига 10 минг дона эркаклар кийимлари ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳа амалиётга татбиқ этилди.

— Корхонада ишчилар учун ҳамма шароит муҳайё, — дейди тикувчи Мадина Усмонова. — Раҳбаримиз Бахтиёр Умаровнинг ташаббускорлиги, янгиликларга интилувчанлиги сабаб маҳсулотларимиз харидорлар кўнглига маъқул бўлаётир. Замонавий, мижоз кўнглига мос маҳсулот яратишга ҳисса қўшаётганимиздан, ҳалол меҳнат орқасидан рўзғоримизга барака киритаётганимиздан мамнунмиз.

— Бу ерда нафақат ишчи-ходимларга яхши шароит яратилган, балки биз каби амалиёт ўтаётган коллеж битирувчиларининг билим, тажрибаларини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган, — дейди Наманган шаҳар енгил саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Муаззам Раҳматжонова.

Ёшлар бор жойда қувноқ кайфият, жўшқинлик, янги-янги ғоялар муҳокамаси бўлиши табиий. Ташаббускорлик эса тараққиётга хизмат қилади. Ўз сафига юзлаб ёшларни бирлаштирган корхонанинг омадли одимлари сири ҳам шундадир балки.

УЙЛАРИМИЗГИНА ЭМАС, ЎЙЛАРИМИЗ ҲАМ ЮКСАЛМОҚДА

Юртбошимиз: "Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш — бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмунини ташкил этади", деган эди. Бу фикрнинг ҳақлигига қишлоққа, замонавий уй-жойлар ҳудудига қадам қўйишингиз билан амин бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг самараси ўлароқ бугун юртимизнинг барча ҳудудларида қишлоқлар шаҳардан-да гўзал кўриниш касб этмоқда. Наманган вилоятида бу борада амалга оширилган ишлар кўлами ҳам анчагина. Ҳозирга қадар вилоятда 3000 дан ортиқ намунавий уй-жойлар эгаларига топширилди. Жорий йилда эса 23 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 848 та уй-жой қад ростламоқда.

Хусусан, Косонсой туманининг Булоқ, Боғишамол массивларида 2012 йили 55 та намунавий уй-жой бунёд этилган бўлса, 2013 йили 75 та замонавий кошона қад кўтарди. 2014 йилда эса "Гулистон-2", "Гўрмирон", "Олмазор" ҳудудларида истиқомат қилувчи қишлоқ аҳолиси бу қулайликка эга бўлди.

Умиджон Умаров ҳам "Олмазор" мавзесидаги намунали уй-жойлардан бирига кўчиб кирди.

— Ота ҳовлимизда ўн-ўн икки киши яшардик, — дейди у. — Уйланиб, икки нафар фарзандли бўлгач, бошпана тиклаш тараддудига тушдик. Ҳавас қилиб юрганимиз — намунавий уй-жойлардан бирига эга бўлдик. Дастлаб бошланғич бадални тўладик, қолган қисмини "Қишлоқ қурилиш банк"нинг имтиёзли кредити асосида тўлаб келмоқдамиз. Ёш оиланинг иқтисодига зарар келтирмасдан, уй-жой қилиш мумкин дейишса, ишонмасдим. Ҳозир эса 15 йил давомида 7 фоиз ставкада ойлик маошдан турар жойимизнинг пулини тўлаб бормоқдамиз. Бунда иш ҳақидан даромад солиғи олинмаётганлиги, айниқса, қўл келмоқда.

Чуст туманида эса 2009 йилдан буён 360 та намунавий уй-жой қуриб битказилиб, эгаларига топширилди. Олмос, Юқори Карнон, Каркидон қишлоқларида бунёд этилган тураржойларга эгалик қилаётган ҳамюртларимиз мукаммал архитектура ечимига эга иншоотлардаги қулай шароитлар шаҳардагидан-да аъло эканлигини эътироф этишмоқда.

Жорий йилда ҳам туманнинг "Сабзазор" массивида қад ростлаётган 90 та уй-жой шунча хонадоннинг қувончига қучоқ очмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги "2015 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, уй-жой қуриш учун жисмоний шахсларга бериладиган ипотека кредитларининг имтиёзли даври 1 йилдан 3 йилга узайтирилди. Шунингдек, қарз олувчига шерик ҳақдор бўлиб кирган оила аъзолари (эр, хотин, ота-она, фарзандлар)га ҳам кредит учун йўналтирилган иш ҳақидан даромад солиқлари ундирилмайди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги тараққиёт манзараларига Наманган вилоятидаги ўзгаришлар мисолида яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Нарзулла МАҲАМОВ, Дилдора РАҲМОНОВА, "Ishonch" мухбирлари











ЎзА суратлари

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ

ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

Ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан зарур ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Тўртта тармоққа мансуб 44 та туман, шаҳар кенгашларида жорий йил май ойида ҳисобот-сайлов конференциялари уюшқоқлик билан ўтказилаяпти. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясига тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги барча туман, шаҳар кенгашлари раислари, тумандаги бошқа тармоқларга мансуб туман кенгашлари етакчилари, шунингдек, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари таклиф қилинди.

Туман кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти юзасидан кенгаш раиси Раимбой Шержанов маърузаси эшитилди. Эътирофга лойиқ ишлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бошланғич ташкилотлар ва туман кенгаши олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Конференцияда туман ҳокими О.Мадраҳимов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Р.Жаббаровлар иштирок этди ва сўзга чиқди.

А.АТАЖОНОВ, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Данғара туман кенгашининг беш йиллик фаолиятига бағишланган ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Уни тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Лолахон Аҳмедова очиб, ҳисобот-сайлов касаба уюшма фаолиятини синчковлик билан таҳлил қилиш, келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш учун катта имконият эканини таъкидлади.

Шундан сўнг туман кенгаши раиси Мирзажон Қурбоновнинг ҳисобот даврида олиб борилган ишлар юзасидан маърузаси тингланди.

Таъкидландики, ўтган йилларда туман кенгаши томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муҳофазаси, мароқли дам олдириш масаласида талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, ходимларга санаторий-курортларга ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 76 та, аъзолик бадаллари ҳисобидан 163 та йўлланма берилди. Жорий йилда яна 40 та йўлланма ажратилди. 256 нафар ходимнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳати уюштирилди. Ҳар йили ўтказилган спорт мусобақаларида 1500 нафардан ортиқ аъзо иштироки таъминланди.

Конференция муҳокамаларга бой бўлди. Фаолият қониқарли баҳоланиб, Мирзажон Қурбонов тармоқ туман кенгаши раислигига қайта сайланди. Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференцияда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Валишер Азизов иштирок этди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, "Ishonch" мухбири

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қўшкўпир туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида кенгаш раиси Саломат Хўжаниёзова ўтган даврда бажарилган ишларни таҳлил қилиб берди.

Тафтиш комиссияси раиси Т.Сапаевнинг ҳисоботи тингланди. Музокараларда сўзга чиққанлар ҳисоботлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш аъзолари ва раиси, тафтиш комиссияси аъзолари ва раиси, шунингдек, вилоят ташкилоти конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Шокирбек Аллаберганов сўзга чиқиб, долзарб вазифалар хусусида тўхталди.

М.ТИЛЛАЕВА

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши ҳисобот-сайлов конференциясида 2010-2015 йиллар мобайнидаги фаолият таҳлил этилди.

Унда касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, соғломлаштириш, турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Жумладан, тумандаги тармоққа қарашли ташкилот, муассасаларда 113 та жамоа шартномаси имзоланган бўлиб, уларда ишловчилар, айниқса, аёллар ва ёшларнинг манфаатларига доир барча меъёрлар ўз аксини топган.

Шу билан бирга, туман кенгаши томонидан 680 нафар касаба уюшма аъзосининг қадимий шаҳарларимизга саёҳати уюштирилди. Ўтган вақт давомида 483 нафар ходим санаторий ва дам олиш уйларида соғлигини тиклади.

Конференцияда туман кенгаши томонидан ижтимоий шериклар билан етарли ҳамкорлик қилинмаганлиги натижасида айрим хато ва камчиликлар юзага келганлиги танқид қилинди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раъно МАҲКАМОВА, "Ishonch" мухбири

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан саналади. Қай бир хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, шубҳасиз, файзу барака, фаровонлик, ҳамжиҳатлик каби фазилатлар ўсиб-униб келаётган авлод қалбида палак ёзади.

ДАСТУР ДОИРАСИДА АМАЛИЙ ИШЛАР

Мамлакатимиз Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва йилимизнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши, айтиш мумкинки, ибратли ташаббусларга кенг йўл очди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган Бухоро вилоят ҳудудий дастури кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўламини янада кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941—1945 йилларда-ги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий ҳимоя, пенсия таъминоти, тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни халқимизнинг кўп асрлик қадрият ҳамда анъаналари руҳида тарбиялашда кексалар нуфузидан янада самаралироқ фойдаланишга қаратилган.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида кекса ёшдаги фуқароларнинг манфаатларига доир 27 та мурожаат "Ишонч телефони" орқали рўйхатга олиниб, барчасига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан 117 нафар кекса озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармон, уй-жойларни таъмирлаш, коммунал хизматларга ҳақ тўлаш каби ижтимоий ёрдамдан баҳраманд бўлди.

Касаба уюшма фаоллари Бухоро шаҳридаги аёллар ва Қоракўл туманидаги эркаклар "Мурувват" уйларида яшаётган қариялар ҳолидан хабар олди. "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" акцияси доирасида тадбир ўтказилиб, моддий ёрдам кўрсатилди ва 500 минг сўмлик кийим-кечак тўпламлари ҳадя этилди. Шунингдек, 5 нафар юз ёшдан ошган нуроний отахон ва онахонларнинг ҳар бирига манзилли ёрдам уюштирилди.

Меҳнат жамоаларидаги ходимларнинг ота-оналари ҳам эътиборда бўлиб, 72 нафар пенсионерга имтиёзли йўлланмалар берилди. Тармоққа қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар, айниқса, кекса ходимларга ҳар қачонгидан кўпроқ меҳр-мурувват кўрсатилаётир. Хусусан, "47-ХКМК", "Бухороавтойўл" тизимидаги ташкилотлар, "Бухорогипс" қўшма корхонаси, қурилиш фирмалари ва хусусий корхоналарда узоқ йиллар меҳнат қилган ишчи-хизматчилар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари даврий тиббий кўрикдан ўтказилди.

Маълумки, ходимларнинг пенсияга чиқиши, меҳнати қадрланиши, рағбатлантирилиши муҳим жиҳатлардан саналади. Вилоятда иш берувчилар билан имзоланган жамоа шартномаларида ўз аксини топганидек, ўтган уч ойда 95 нафар пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқишидан олдин бир йўла моддий ёрдам берилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Барча тармоқ касаба уюшмалари тизимидаги меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари иштирокида ёш авлоднинг маънавий ҳамда ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур, ўзини англаш ҳиссини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ҳам муштарак мақсадларга хизмат қилаётир.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, "Ishonch" мухбири

2015-yil 4-iyun, payshanba, № 69 (3574), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БЕҒУБОР ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бу йил юртимиз оромгоҳларида 287 минг 171 нафар бола соғломлаштирилиши режалаштирилган. Жумладан, 2 минг нафар “Меҳрибонлик” уйи тарбияланувчилари, 500 нафар иқтидорли болалар ҳамда эҳтиёжманд оила фарзандларига оромгоҳларга бепул йўлланмалар берилади.

Байрам муносабати билан ташкил этилган тадбирларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 21-“Меҳрибонлик” уйига телевизор, 50 нафар “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар ижтимоий мослашуви тарбияланувчиларига энг яхши оромгоҳларга йўлланмалар ҳамда 60 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларига совғалар берилди.

Шунингдек, Федерацияси Кенгаши таниданн уй шароитида таълим олаётган имконияти чекланган болаларга ўқув жиҳозлари, бадиий китоблар, эсдалик совғалари тақдим этилди.

— Ушбу тадбирларга қуйи касаба уюшмалари ҳам катта ҳисса қўшди, — дейди бирлашма кенгаши етакчи мутахассиси Фаррухбек Холиқов. — Хусусан, ҳар бир тумандан 40 нафардан эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ҳамда иқтидорли болажонлар учун вилоятнинг диққатга сазовор масканларига, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли ҳамда ўлкашунослик музейларига саёҳатлар уюштирилди.

***

Бухорода болажонлар байрами қатор кўнгилочар тадбирлар билан бошланди. Эсда қоларли шодиёналардан бири Бухорода давом этди. “Диёр” гуруҳи ижросидаги қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди.

***

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган байрам тадбирида умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари ўзларининг кўргазмали чиқишлари билан қатнашди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, прокуратура, халқ таълими бошқармаси ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилган тадбир доирасида “Мустақиллик менинг тасаввуримда” мавзуидаги молберт ва асфалтга расм чизиш танлови, мактабгача таълим муассасалари ўртасида “Кичкинтой – ширинтой” спорт мусобақалари ўтказилди. Фаол ва иқтидорли тадбирлар ҳам болажонлар хотирасида муҳрланиб қолди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева бошчилигида Ёшлар кенгаши аъзолари Кармана туманида жойлашган 25-сонли эшитиш имконияти чекланган болаларга таълим-тарбия беришга ихтисослаштирилган мактаб-интернатида бўлиб, муассасада тарбияланаётган ўғил-қизларга яратилган шарт-шароит билан танишдилар. Байрам муносабати билан маданий-маърифий тадбир уюштирилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ажратилган телевизор туҳфа этилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Навоий шаҳар кенгаши эса вилоят марказидаги “Меҳрибонлик” уйининг 112 нафар тарбияланувчиси учун истироҳат боғида байрам тадбири уюштирди. Болажонлар асфалтга турли расмлар чизиб, завқ олишди.

Худди шундай тадбир Кармана туманида ҳам ўтказилди. Боғча ёшидаги болалар ўртасидаги “Соғломжон — полвонжон” спорт мусобақаси кўтаринки кайфиятда кечди.

***


Қашқадарё. Китоб туманидаги 5-“Меҳрибонлик” уйида ташкил этилган маданий-маърифий тадбир ҳар бир тарбияланувчининг қалбига бир олам завқ-шавқ олиб кирди. 84 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган мазкур маскан “Муборакнефтгаз” унитар шўъба корхонаси оталиғига олинган. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан корхона бошлиғи Шермат Шамсиев ва касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматов ушбу муассасага бориб, ўғил-қизларни байрам билан қутлашди.

Болажонларга корхона томонидан шахсий гигиена воситалари, ёзги либослар тўплами ҳамда “Ёш алангачи” оромгоҳига бепул йўлланмалар совға қилинди. “Меҳрибонлик” уйи ошхонаси учун музлатгичлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов “Меҳрибонлик” уйига Федерация Кенгашининг совғаси — телевизорни топширди. Вилоят, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари прокуратуралари масъуллари ҳам болажонларга совғалар улашди. Тарбияланувчилар томонидан тайёрланган қўшиқ ва рақслар байрамга файз бағишлади.

Ҳудудлардаги “Касаба уюшмаси — болаларга” акцияси доирасида амалга оширилаётган хайрли тадбирлар давом этмоқда.

“Ishonch” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди



Ўза суратлари

шаббуси билан мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида болалар қўшиқлари, шеърлар ва куйларининг республика ижодий танлови якунланди. Танлов натижасига кўра саралаб олинган шеър, қўшиқ ва куйлар ёз мавсумида барча оромгоҳларда дам оладиган болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг маънавий баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

***

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур” шиори остида **Андижон** вилоятида ташкил этилган шодиёналар кичкинтойларга чексиз қувонч улашди. Байрам тадбирларининг асосий қисми вилоят марказидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Тадбир доирасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун “Қувноқ стартлар” ва шахмат-шашка мусобақалари, асфалтга расм чизиш танлови, мактаб ўқувчилари ўртасида “Қувноқлар ва зукколар” беллашувлари, истеъдодли ёшлар иштирокида концерт дастури ўтказилди.

Шу куни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари Болалар шаҳарчасига ташриф буюриб, ўғил-қизларни айём билан қутлашди. Уларга Федерация Кенгашининг байрам туҳфаси — телевизор тақдим этилди. Шаҳарча болалари эътибор ва рағбат учун миннатдорлик билдириб, меҳмонларга ўзлари тайёрлаган маданий-маърифий дастурни намойиш қилдилар.

Шунингдек, болажонлар байрами муносабати билан ўтказилган ҳафталик доирасида саломатлик кунлари, “Лола” қўғирчоқ театри жамоасининг спектакллари намойиши этилди. Мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда ҳомийлар томоно “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйида бўлиб ўтди.

Чеҳрасида табассум балқиб турган жажжи ўғил-қизлар гоҳ рақсга тушар, гоҳ Ватан, она ва болаликни мадҳ этувчи қўшиқ ҳамда шеърларни ҳис-ҳаяжон билан айтишарди. Байрамга бир гуруҳ саховатпеша меҳнат жамоалари вакилларининг ташрифи тадбир иштирокчилари кайфиятини янада кўтарди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, прокуратура органлари, касаба уюшма ташкилотлари вакиллари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, темир йўл идоралари, ҳарбий хизматчилар болажонларни байрам билан қутлаб, уларга совға-саломлар топширдилар.

— Олийҳиммат инсонларга самимий ташаккуримизни билдирамиз, — дейди интернат уйи катта тарбиячиси Шоира Язилова. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши совғаси — телевизор тарбияланувчиларимизни беҳад хушнуд этди.

Хурсандчилик тўкин дастурхон атрофида давом этди. Ўқувчиларнинг ота-оналарига ташаккурномалар, эҳтиёжманд оила фарзандларига ёзги оромгоҳларнинг имтиёзли йўлланмалари топширилди.

Самарқанд шаҳридаги 6-“Меҳрибонлик” уйида ҳам маданий-маърифий тадбир ташкил этилиб, Федерация Кенгашининг эсдалик совғаси — телевизор тақдим этилди.

— Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни вилоят миқёсида кенг нишонланди, — дейди касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Акбар Абдусаидов. — Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тойлоқ ва Нуробод туман кенгашлари 160 нафар болажонни маданий дам олдирган бўлса, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалиги, Иштихон туманидаги Баҳрин касб-ҳунар коллежлари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари камхарж оилалар фарзандларини боғ сайилларига олиб чиқишди.

***

Навоий вилоятида ташкил этилган Худди шундай тадбир Кармана туманида ҳам ўтказилди. Боғча ёшидаги болалар ўртасидаги “Соғломжон — полвонжон” спорт мусобақаси кўтаринки кайфиятда кечди.

***

Қашқадарё. Китоб туманидаги 5-“Меҳрибонлик” уйида ташкил этилган маданий-маърифий тадбир ҳар бир тарбияланувчининг қалбига бир олам завқ-шавқ олиб кирди. 84 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган мазкур маскан “Муборакнефтгаз” унитар шўъба корхонаси оталиғига олинган. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан корхона бошлиғи Шермат Шамсиев ва касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматов ушбу муассасага бориб, ўғил-қизларни байрам билан қутлашди.

Болажонларга корхона томонидан шахсий гигиена воситалари, ёзги либослар тўплами ҳамда “Ёш алангачи” оромгоҳига бепул йўлланмалар совға қилинди. “Меҳрибонлик” уйи ошхонаси учун музлатгичлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов “Меҳрибонлик” уйига Федерация Кенгашининг совғаси — телевизорни топширди. Вилоят, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари прокуратуралари масъуллари ҳам болажонларга совғалар улашди. Тарбияланувчилар томонидан тайёрланган қўшиқ ва рақслар байрамга файз бағишлади.

Ҳудудлардаги “Касаба уюшмаси — болаларга” акцияси доирасида амалга оширилаётган хайрли тадбирлар давом этмоқда.

“Ishonch” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди

ЖУРНАЛИСТ МУАММО КЎТАРАДИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон омилига бўлган эътибор ниҳоятда кучайди. “Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаати учун!” деган тамойил асосида қилинаётган ишлар самарасига ҳар қадамда гувоҳ бўлиб турибмиз.

ТИББИЙ КЎРИК БЕПУЛ(МИ?)

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 214-моддасида иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиши шартлиги белгилаб қўйилган. Ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга кирган аёллар, ногиронлар, шунингдек, фаолияти транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар, озиқ-овқат саноатида меҳнат қилаётганлар, савдо ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касбдагилар шулар жумласидан.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ҳамда дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтишни талаб этадиган бошқа ишларнинг рўйхати ва тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби мавжуд. Шунингдек, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида ходимлар бундай текширувдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслиги, тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бош тортганларни иш берувчи ишга қўймасликка мажбур эканлиги аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ходимнинг соғлиғи ёмонлашса, у маъмуриятдан навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу қонуний имтиёзлар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимларига ҳам татбиқ этилади. Меҳнат кодексининг 214-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида имзоланган келишувнинг 6.8-бандида ҳам тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида ходимларнинг чиқимдор бўлишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Бироқ амалда бунинг аксига гувоҳ бўлаяпмиз. Амбулатор-поликлиникаларда бактериологик лабораториялар йўқлиги туфайли тармоқ ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида амалга оширилмоқда. ДСЭНМ бактериологик лабораторияларининг Низомига кўра эса тиббий кўрикдан ўтувчиларни текшириш уларнинг ваколатларига кирмайди (поликлиникалар ваколатига киради). Бунинг устига, тиббий кўрик учун бактериологик лабораторияларга маблағ ажратилмаётганлиги туфайли ДСЭНМларда пулли хизмат кўрсатилмоқда. Бу эса ходимларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир.

Шу ўринда далилларга мурожаат этсак. Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси тизимида 47 минг 208 нафар аъзо бўлиб, уларнинг аксарият қисми тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида чиқимдор бўлаяпти. Жумладан, Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси, вилоят тери-таносил касалликлари диспансери, кўп тармоқли тиббиёт маркази, дезинфекция станцияси, силга қарши кураш диспансери каби шифо масканларида ишловчиларга нисбатан шундай йўл тутиляпти.

Тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ, тармоқ ходимлари бепул тиббий кўрикдан ўтказилишига халақит бераётган муаммоларни ҳал этиш вақти келмадими? Ўйлаймизки, тегишли мутасадди ташкилотлар бу муаммога, албатта, аниқлик киритишади.

Неъмат РАФИҚОВ, “Ishonch” мухбири

Реклама ва эълонлар

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

“ХАЛҚ БАНКИ” ДТ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ 2015 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1	“Халқ банки” ДТ Ховос филиалига янги бино қурилиши	2 041 323 864 сўм	1 701 103 220 сўм	2015 йил 25 декабр

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Ўз маблағлари ҳисобидан

Буюртмачининг манзили: — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, А.Яссавий кўчаси, 12- уй, тел: (0-367) 221-03-94.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда, қурилиш пудрат ташкилотлари Реестрига киритилмаган ташкилотларнинг танлов савдоларда иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***тел (факс): (0 3672) 27-64-42***. Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи 158 300 сўм.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати- оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда эълон берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази биносида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

“KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога “Uzbekgidroenergoqurilish” АЖнинг 2015 йил 17 апрелдаги 35-сонли буйруғи ва “Maxsusenergomontaj” Унитар корхонасининг 2015 йил 29 майдаги 63-сонли буюртманомасига асосан, “Maxsusenergomontaj” Унитар корхонасига қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 42-уй манзилидаги, ер участкаси 3,583 га бўлган, умумий майдони 1048,0 кв.м бўлган литер 0001-таъмирлаш механик цех биноси, умумий майдони 82,0 кв.м бўлган литер 0007 ёқилғи (ГСМ) сақлаш омбори ва умумий майдони 11,0 кв.м бўлган литер 0008 ёқилғи (ГСМ) сақлаш омбори қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 465 579 301 сўм.**

Савдо 2015 йил 6 июл куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 2 июл куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 6 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 13, 20 ва 27 июл кунлари соат 12:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 13 июлдаги савдо учун 9 июл куни соат 18:00; 20 июлдаги савдо учун 16 июл куни соат 18:00; 27 июлдаги савдо учун 23 июл куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ипак йўли банки” АИКБ Сағбон ф-лдаги: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0371) 236-38-28. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO‘CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2015 йил 7 июл куни соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга «Ўзбекистон Почтаси» акциядорлик жамияти Бухоро филиали билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган “Аукцион” савдоларига филиал ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибида ҳар бири алоҳида мулк сифатида қўйилмоқда.

1-ЛОТ 1996 йилда и/ч, д/р 80/415 КАА бўлган “ДАМАС” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси 9 562 000 сўм; **2-ЛОТ** 1997 йилда и/ч, д/р 80/953 GAA бўлган “ТИКО” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси 6 170 000 сўм.

II. 2015 йил 23 июн куни соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга “Бухорогазаноатқурилиш” очиқ акциядорлик жамияти «Нефтгазавтотрансхизмат» унитар корхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган Такрорий “Аукцион” савдоларига корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибида ҳар бири алоҳида мулк сифатида қўйилмоқда.

1-ЛОТ 1998 йилда и/ч, д/р 80/ 693 ОАА бўлган “Мидибус 24М” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси 8 454 900 сўм;

2-ЛОТ 1988 йилда и/ч, д/р 80/ 407 ОАА бўлган “ГБА СНГ ЗИЛ 431412” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси 5 423 900 сўм;

3-ЛОТ 1998 йилда и/ч, д/р 80/ 727 LAA бўлган “ГБА СНГ ДЭУ ПРИНЦ” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси 7 077 641 сўм.

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар “Аукцион ташкилотчиси” томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб “Аукцион” савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар “Аукцион ташкилотчиси” билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдолари ўтказилмаган тақдирда 2015 йил 14-, 21 июл кунлари бўлиб ўтадиган Аукцион савдоларида такроран чиқарилади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO‘CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР: 302523082, МФО 00115 “Қишлоқ қурилиш банки” ОАТБ Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO‘CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24.

E-mail:, гувоҳнома № 006263. **Хизматлар лицензияланган.**

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрти битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шарт-шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 16 февралдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан

Касаба уюшмалари Сизнинг меҳнат ҳуқуқингиз, ҳуқуқий саводхонлигингизни оширишда муҳим кўмакдошдир!

➤ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига кўра касб-ҳунар коллежи битирувчиларига ишга жойлашишда ва ишга жойлашгандан сўнг бир қатор имтиёз ва кафолатлар белгиланган.

Агар сиз касб-ҳунар коллежларининг 3-босқич ўқувчиси бўлсангиз, қуйидаги имкониятлардан фойдаланасиз:

➤ Кейинчалик эгаллаган касбингиз бўйича ишга жойлашишни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун эгаллаган касбингизга мос йўналишдаги аниқ корхона ва ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш бўйича уч томонлама (корхона — битирувчи — коллеж) шартнома тузасиз.

➤ Сиз таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга қабул қилинаётганингизда меҳнат шартномасида дастлабки синов белгиланмайди (МК 84-модда).

➤ Албатта, иш билан таъминланишда расмий ва норасмий бандликнинг катта фарқи бор. Норасмий ишда ишлаганингизда сизнинг деярли ҳеч қандай ҳимоянгиз кафолатланмаган бўлади. Қолаверса, сиз билан меҳнат шартномаси тузилмаганлиги ва меҳнат дафтарчаси очилмаганлиги сабабли иш стажингиз ҳисобланмайди.

➤ Норасмий ишда иш ҳақи ўрнатилган тартибда тўланмасдан, балки тегишли ҳужжатларсиз кўлга тутқазиш орқали тўланади. Бунда иш ҳақингиздан тегишли даромад солиғи, пенсия жамғармаси ва бошқа тўловлар ўтказилмаганлиги сабабли келажак учун жамғармангиз шаклланмайди ва вақти келиб пенсияга чиқишда, ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий суғурта масалаларида муаммоларга дуч келасиз.

➤ Бундан ташқари, ўз иш жойингизда қўнимлилигингиз таъминланмайди, яъни иш берувчи сизни истаган вақт ишдан бўшатиб юбориши мумкин. Чунки у сиз билан қонуний меҳнат шартномасини тузмаган, шартлар оғзаки келишилган. Бундай ҳолатда сизни ҳеч ким ҳимоя қилолмайди.

➤ Расмий ишга қабул қилинганингизда сиз билан ўрнатилган тартибда меҳнат шартномаси тузилиши ва меҳнат дафтарчаси очилиши натижасида ўз-ўзидан ҳар томонлама қонуний имтиёзларингиз кафолатланади.

Яъни, қонун доирасида иш вақти, иш ҳақи ва бошқа меъёрлар белгиланади ва кафолатланади. Тегишли ҳужжатларга асосан муносиб меҳнат шароитлари яратилади.

➤ Касб-ҳунар таълими муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирганингизда меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши лозим (МК 247[1]-модда).

➤ Агар, сиз ишлаётган ташкилот, корхона ёки муассасада касаба уюшма ташкилоти тузилган бўлса, касаба уюшма ташкилоти ҳамда иш берувчи ўртасида имзоланган **жамоа шартномаси** орқали қўшимча имтиёз ва кафолатлар олиш ҳуқуқидан фойдаланасиз.

➤ Корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга кирган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоа шартномаларига “Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар” бўлими киритилиб, унда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш йўналишидаги кўплаб имтиёз ва кафолатлар назарда тутилган.

➤ Биз сиз учун бехатар ва қулай меҳнат шароитлари яратилишига, иш жойингизда саломатлигингизга салбий таъсир кўрсатадиган зарарли омиллар бўлмаслигига, жамоа шартномасига мувофиқ махсус кийим-бош, пойабзал, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса махсус ва парҳез таомлар билан таъминланишингизга эришамиз.

➤ Иш берувчи маблағи ҳисобидан белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтказилишингиз касаба уюшма қўмитасининг доимий назоратида бўлади. Бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларига чалинишлардан иш берувчи ҳисобидан мажбурий суғурта қилинасиз.

➤ Мунтазам равишда касбий тайёргарликдан ўтиб боришингиз, ўқитилишингиз ҳамда малака оширишингизга касаба уюшмаси кўмаклашади.

➤ Меҳнат муносабатларига оид барча масалалар, жумладан, иш берувчи томонидан меҳнат қонунларига риоя этилиши, меҳнат таътилларининг ўз вақтида берилиши ва бошқалар бўйича касаба уюшмаларининг юридик хизмати ходимлари Сизга бепул маслаҳатлар беради, зарур ҳолларда, ҳуқуқ ва манфаатларингизни бепул ҳимоя қилади. Бунинг учун бизнинг “Ишонч телефони”мизга (0-371) 256-48-81 ёки интернет орқали (yuridik@kasaba.uz) электрон манзилимизга мурожаат этсангиз бас.

Ишга қабул қилинганингиздан сўнг Сизда меҳнатга оид муносабатларда саволлар туғилса, касаба уюшмаларига мурожаат этишингиз мумкин.


ҲУДУДЛАРДАГИ “ИШОНЧ ТЕЛЕФОН”ЛАРИМИЗ:

Қорақалпоғистон Республикаси	0 (361) 222-68-63
Андижон вилояти	0 (374) 224-56-42
Бухоро вилояти	0 (365) 223-49-94
Жиззах вилояти	0 (372) 226-09-34 0 (372) 226-56-40
Қашқадарё вилояти	0 (375) 225-21-75
Навоий вилояти	0 (436) 226-01-15
Наманган вилояти	0 (369) 227-85-98
Самарқанд вилояти	0 (366) 235-67-34
Сурхондарё вилояти	0 (376) 223-16-06
Сирдарё вилояти	0 (367) 225-14-98
Фарғона вилояти	0 (373) 224-80-16
Хоразм вилояти	0 (362) 226-44-66
Тошкент вилояти	0 (370) 256-52-69
Тошкент шаҳри	0 (371) 252-71-44

ЎзКУФ Ёшлар кенгаши, ЎзКУФК юридик бўлими

2015-yil 4-iyun, payshanba, № 69 (3574), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЖАННАТМОНАНД МАНЗИЛЛАР БЎЙЛАБ



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бундан ташқари, 300 га яқин турли қушлар (бургут, лайлак, ўрдак, турна, ғоз ва бошқалар), 26 хил сут эмизувчилар (хонгул, бўри, тулки, қобон, шоқол, бўрсиқ ва бошқалар), турли ҳайвонлар яшайди. Шунингдек, қўриқхона айрим қушлар учун миграцион ҳудуд ҳисобланади. Кўплаб қушлар ин қуриб, жўжа очади. Қиш мавсумида эса иссиқ ўлкаларга учиб кетади.

Ноёб ҳисобланган тилларанг қирғовул қўриқхона ҳудудида доимий яшайди, эндемик қуш ҳисобланади. Яъни бу қуш тури бизнинг заминимизда пайдо бўлган. Уларнинг сони тахминан уч мингтага етади. Қизиқ томони, улар сони овозига қараб аниқланади. Ҳар бир қушнинг ўзига хос овози бор, бундан ташқари, тилларанг қирғовуллар кўп сайроқи эмас. Шунинг учун уларни овоз орқали санаш бирмунча ўнғай.

Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган қўриқхона тўқайзор ҳудуд ҳисобланади. Қувонарлиси, яқин йиллардан бошлаб Бухоро буғуси — хонгуллар кўпайтирила бошланди. Қорақалпоғистон Республикасидаги Қуйи Амударё давлат биосфера резерватидан келтирилган олтита хонгул бугун 23 тага кўпайди. Беозор жониворлар учун махсус ўралган ҳудуд (волер) ташкил этилган бўлиб, уларнинг табиатга мослашиши учун барча шароит яратилган. Қиш мавсумида уларга озуқа, ем-хашак берилади.

Жониворларнинг ёввойи табиатга мослашиш жараёни якунига етгач, уларнинг ўнтасини қўйиб юбориш назарда тутилган. Бахтиёр Ражабовнинг айтишича, бу жараён бироз муддатга чўзилади. Чунки одамга ўрганган, баъзан мустақил тарзда озуқа топа олмайдиган жониворларнинг ёввойи табиат қонунларига мослашиб кетиши осон эмас.

Тўқайзорлардан иборат қўриқхонани кезиш одамга ўзгача ҳузур бағишлайди. Турли ўсимликлар, гуллар диққатни тортади. Тоза ҳаво, дарахтлар, дарёнинг шовуллаши кўнгилдаги тугунларни ечиб юборади.

НУРОТА

Нурота тоғ ёнғоқзорлари давлат қўриқхонаси юртимизнинг диққатга сазовор жойларидан. Медиа-турнинг иккинчи куни шу манзилга қараб йўл олдик. Тоғлар бағрида жойлашган қўриқхона манзаралари ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Қадимий урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолган Ухум қишлоғи одамлари билан суҳбатлашиш кишида ўзгача завқ уйғотади.

— Майдони 17752 гектарни ташкил этувчи қўриқхонамизда 29 нафар назоратчи меҳнат қилади. Илмий тадқиқотлар ва экологик мониторинг 6 нафар илмий ходим томонидан амалга оширилади. Мазкур ҳудудда 821 турдаги ўсимлик (Нурота кирпиўти, нор ширач, тумтоқ мармарак, пиридоқ қўшшох, дилбанд лоласи ва ҳоказо. 29 тур “Қизил китоб”га киритилган), 199 қуш тури (қора лайлак, илон бургут, қиронқора, оқ думли сувбургут, итолғи, тасқара, оқбовур ва бошқалар. 18 тур “Қизил китоб”га киритилган), сутэмизувчиларнинг 35 тури (кичик такабурун, узун игнали кирпи ва бошқалар. 4 тур “Қизил китоб”га киритилган), судралиб юрувчилар, маринка балиғи учрайди, — деди қўриқхона директори Тоҳир Матлабов.

Бу ердаги энг ноёб ҳайвон, шубҳасиз, олқордир. Северцов қўйи, Қизилқум архари номлари билан ҳам аталадиган жонивор “Қизил китоб”га киритилган. XX аср ўрталарида тарқалиш майдонининг сезиларли даражада қисқариши натижасида, уларнинг сони кескин камайиб, айрим ҳудудларда бутунлай йўқолиб кетган ёки қириб юборилган. Олқорлар бутунлай йўқолиш хавфи остида эди. 90-йилларнинг бошида кўрилган чора-тадбирлар натижасида Нурота тоғларида сақлаб қолинди. Қўриқхона ҳудудида олқорларнинг етмиш фоизга яқини (1700-1800 бош атрофида) яшайди.

Ноёб ҳисобланган тилларанг қирғовул қўриқхона ҳудудида доимий яшайди, эндемик қуш ҳисобланади. Яъни бу қуш тури бизнинг заминимизда пайдо бўлган. Уларнинг сони тахминан уч мингтага етади. Қизиқ томони, улар сони овозига қараб аниқланади.

Олқор — ҳуркак жонивор. Яқинига йўлаш жуда қийин. Чаққонлиги боис тошдан-тошга сакраб кўздан дарров ғойиб бўлади. Эпчил, чапдаст йигитларнинг олқорга менгзалиши бекорга эмас. Биз ҳам жониворларни узоқдан кузатдик. Уларнинг ҳаракатларига назар солар экансиз, табиатнинг мўъжизасига яна бир бор амин бўласиз.

Нурота тоғ тизмаси Помир-Олой билан Тян-Шан тоғ мажмуалари, Турон пасттекислиги орасидаги ўтиш ҳудудида жойлашган. Тоғ тизмасининг энг баланд нуқтаси — Ҳаётбош чўққиси (2169 метр) ҳам қўриқхона ҳудудида. Шунингдек, бу ерда кўплаб булоқлар мавжуд бўлиб, аҳолининг чучук сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиради.

Нурота тоғ тизмаси ёнғоқ ва ўрикнинг кўплаб қадимий навлари ватани ҳисобланади. Қўриқхона — ёнғоқзорлар макони. Тўғриси, ёнғоқнинг шундай кўп навлари, хиллари борлигидан хабаримиз йўқ экан. Юртнинг айвони кенг деганлари шу бўлса керак. Ушбу ноёб генофондни асраш ҳам қўриқхона ходимларининг асосий вазифаларидан бири.

Шу ўринда Мажерум ўрмонзоридаги табиатнинг ўзига хос ҳайкали, минг йиллик савр дарахтини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу дарахт маҳаллий аҳоли томонидан азал-азалдан муқаддас ҳисобланган. Турли афсоналар бор. Савр дарахти танасининг диаметри 8 метр атрофида. Марказий шохининг айланаси — 12 метр. Илдизларидаги ковакларга бемалол 4-5 одам сиғади. Дарахт аҳолининг зиёратгоҳларидан бирига айланган. Кўҳна дарахт асрлар долғаларидан омон чиқиб, ҳалиям барқ уриб турибди.

Бу жаннатмонанд жойлар ҳақида узоқ ҳикоя қилиш мумкин. Халқ билиб айтадики: минг марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Куни кеча пойтахтимизда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий Экология ҳафталиги иш бошлади. Мазкур ҳафталик доирасидан кўплаб тадбирлар, конференция ва тақдимотлар, болалар ўртасида танловлар ўрин олган. Хуллас, экологик муҳитни сақлаш йўлида тизимли ишлар доимий равишда олиб борилмоқда.

Худонинг назари тушган юртимиз бор. Бу гапда ҳеч бир муболаға йўқ. Тўрт фаслга эга, кўзни қувнатувчи манзиллари бисёр, меҳридарё халқи бор юртда яшаймиз. Хушманзара, бой ва ранг-баранг табиатимиз билан эса ҳар қанча ғурурлансак, арзийди. Уни асраш, келгуси авлодларга соф ҳолда етказиб бериш — сизу бизнинг, ҳаммамизнинг вазифамиз.

Адҳам АРСЛОНОВ,
“Ishonch” мухбири





ОҲУЛАР — БАХТ-САОДАТ ТИМСОЛИ

Мамлакатимиз флора ва фауна дунёси ҳақида муштарийларимизга кенг тушунча бериш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тасарруфидаги Қўриқхоналар, миллий боғлар ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли Қорақалпоғистондаги Қуйи Амударё давлат биосфера резерватида бўлдик.

ТЎҚАЙ ХОДИМЛАРИ ДОИМО ҲУШЁР

Биосфера резервати Беруний ва Амударё туманлари ўртасидаги 68717.8 гектар ер майдонини эгаллаган бўлиб, шундан 11568.3 гектари қўриқхонага, 6731.4 гектари буфер майдонига, 50418.1 гектари оралиқ ҳудудга киради. Бугунги кунда биосфера резерватида учта — “Толлик”, “Бодай тўқай”, “Назархон” тўқай массивлари мавжуд. Мазкур жамоада 33 нафар ходим, жумладан, бош нозир, 3 та бўлим бошлиғи, 11 та тегишли майдонларни қўриқлаб юрувчи нозирлар ва илмий мутахассислар меҳнат қилади. Нозирлар ва илмий ходимлар учун учта ўрмон уйи, ёзги чертак (чайла) барпо этилган. Нозирлар қўриқхонага тегишли барча жойларни айланиб юришлари учун отлар, тегишли иш қуроллари, махсус кийим-кечаклар билан таъминланган.

Биосфера резервати Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими ҳамда маҳаллий олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Айни пайтда бу ерда 8 нафар илмий ходим тадқиқот ишлари билан банд. Уларга барча меҳнат шароити яратилган бўлиб, компютер, рақамли фотоаппарат, лаборатория асбоб-ускуналари, бинокл, палатка каби зарур ашёлар билан таъминланган. Айни пайтда “Табиат солномасини юритиш”, “Биосфера резерватида Бухоро буғусининг мониторингини юритиш ва унинг популяцияси”, “Биосфера резерватининг орнитофаунаси”, “Биосфера ҳудудида ўсимликлар дунёсининг мониторинги” мавзуларида илмий иш олиб борилмоқда. Шунингдек, илмий ходимлар томонидан биосфера резерватидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турлари, яшаш жойларининг мавсумий ўзгариши, табиий ва антроноген кучларнинг атроф-муҳитга таъсири, барқарор ривожланишни ўрганиш режалаштирилган.

БУХОРО БУҒУСИ — ХОНГУЛ

Бу ердаги кўм-кўк дарахтлар, қушларнинг сайраши, буғуларнинг гала бўлиб ўтлаб юришини кузата туриб, табиатнинг бир бўлаги эканлигингни яна бир бор ҳис этасан. Айтишларича, буғулар яшаган ҳудудларда доимо қут-барака, тинчлик ва фаровонлик ҳукм суради. Ушбу қўриқхона Бухоро буғуларини муҳофазалашга мўлжалланган.

Юртимизга 1978 йили Тожикистоннинг “Ромит” қўриқхонасидан олиб келинган 9 бош буғуларнинг сони бугунга келиб 753 тага етди.

Бухоро буғуси — Хонгул бундан 100 йил муқаддам Амударё ва Сирдарё бўйларида, Орол денгизи атрофларида макон топган. Катта ёшдаги эркак буғуларнинг кўриниши оч кулрангда, бўйи 120-160 см, вазни 200 кг.гача бўлади. Унга чирой бағишлаб турувчи беш бутоқли шохининг узунлиги 90-110 см., оғирлиги 6-7 кг.ни ташкил этади. Эркак буғулардан фарқли равишда урғочиларининг шохи бўлмайди.

Сафар давомида ҳамроҳлик қилган қўриқхона бош нозири Бахтиёр Султоновдан тўқайнинг бой тарихи, ҳайвонлар ва қушларнинг турлари ю, яшаш тарзи ҳақида кенг маълумотга эга бўлдик. Бир қарашда бу жониворларнинг тўқайда сон-саноғи йўқдек туюлади. Дарё бўйидаги ўрмон уйларига йўл олар эканмиз, улар гоҳ кўздан ғойиб бўлар, гоҳ тўдалашиб яна бизни кузатишда давом этарди. Уларни суратга олиш учун яқинлашишимиз билан ўрмон ичига ғойиб бўлишди.



— Кўриб турганингиз эркак буғулар тўдаси. Баҳорда улар шохларини ташлагани боис, ҳуркак бўлиб қолади. Кундуз куни соя-салқинда дам олиб ётади-да, кечаси билан ўтлайди. Сизнинг омадингиз бор экан, уларни яқиндан кузатиш имконига эга бўлаяпсиз. Ҳойнаҳой, улар меҳмон келганини билиб, сизни қарши олишга чиқишган кўринади, — дея ҳазиллашади Бахтиёр ака. — Асли шу ерда туғилиб ўсганлигим боис, табиатнинг ўзига хос инжиқликларидан хабардорман. Бир неча кун аввал кучли ёмғир ёққан, тупроқ эса қуриб, асфалтдек қотган эди. Агар сафар қурғоқчилик пайтига тўғри келганида автомашина ҳаракатидан кўтарилган тупроқ йўлларнинг чангидан атроф гўзаллигини борича кузатиш имкони бўлмасди. Шамол бу ерларда жуда кучли ва тинимсиз эсади.

Айни пайтда эса эсаётган шамол шунчалар ёқимли эдики, ўт-ўланлар, дарахтлар ёмғир сувида чўмилиб, янги либос кийганга ўхшарди. Қўриқхона ҳудуди, буғуларнинг ичадиган сувидан тортиб, ўт-ўланлар, дарахт ва бошқа барча ўсимликлар доимо тиббий ва бошқа текширувлардан ўтказиб турилади. Бундан ташқари, уларни овчилар таъқиб қилмаслиги учун нозирлар тинимсиз ҳудудларни қўриқлаб юришади. Қишда очликдан қирилиб кетмаслиги учун ёзда ем-хашак, зарур озуқалар жамғарилиб, ветеринарлар томонидан вақти-вақти билан соғлиги текшириб турилади.

Урғочи ва эркак буғулар алоҳида-алоҳида тўда бўлиб яшашади. Фақат йилига бир марта — сентябр, октябр ойларида насл орттириш мақсадида қисқа вақтгагина буғулар тўдаси бирлашади. Баҳорнинг охири, ёзнинг бошида буғуларнинг янги авлоди бирин-кетин дунёга кела бошлайди. Уларнинг бўйи 50-60 см. оғирлиги 8-9 кг.гача бўлади. Шу ўринда айтиш зарурки, янги туғилган буғучалар бир ҳафтагача яхши юра олмайди. Она буғулар болалагач, ўтлашга борганларида уларни буталар орасига яшириб кетади. Айнан шу пайтда буғу болаларининг кўпчилиги чиябўри — шоқолларга ем бўлаётганини Бахтиёр ака афсус билан тилга олди. Буталар орасидаги ҳимоясиз буғучаларни йиртқичлар ҳидидан топиб олади. Йилига 100 га яқин туғилган буғу болаларидан фақат 40 таси яшаб қолишга муваффақ бўлади. Бироқ онаси борлигида уларга шоқоллар ҳужум қилолмайди. Ачинарли томони, ушбу масканда бу каби йиртқич ҳайвонлар жуда ҳам кўпайиб кетган.

ФЛОРА ВА ФАУНА ДУНЁСИ

Биосфера резерватида “Қизил китоб”га кирган ноёб қушлардан 7 таси ҳамда 120 дан зиёд бошқа турлари, сув ҳавзаларида 15 га яқин балиқ турлари борлиги қайд этилган. Бугунги кунда бу ерда 10 дан зиёд судралиб юрувчилар, тулкилар, чиябўрилар, бўрсиқлар, қуён ва бошқа хил ҳайвонлар ҳам Бухоро буғулари билан ёнма-ён яшамоқда.

Тўқайда ўсимлик ва дарахтларнинг тахминан 300 га яқин турлари аниқланган. Шулардан 40 га яқини — тўранға, жийда, терак, тол, юлғун кабилар шу ернинг мураккаб табиий шароитига мослашган. Буталардан — юлғун, чингил, қарабарақ, ўтлардан — эркакқамиш, қизил миясорлар жуда кенг тарқалган. Баъзи жойлардаги дарахтзорлар ўтиб бўлмас даражада қалин, тиканли. Фақат ёввойи ҳайвонлар изидан юриб ўтиш мумкин.

Толдошлар оиласига мансуб тераклар нинг 20, 30 метр баландликда ўсадиган бир неча турлари учрайди. Уларнинг айримлари якка ҳолда, бошқалари эса кўп сонли дарахтзорлардан иборат. Улар уруғ ва илдизлар ёрдамида кўпаяди. Тераклар тез ўсиш билан бирга 30, 40 йил, баъзан 100 йилгача умр кечиради.

Жийда ҳам бу ерда энг кўп тарқалган дарахтлардан бири саналади. Шохлари тиканли, кул ва яшил рангларда бўлиб, мевалари нафақат қуш ва ҳайвонлар, балки одамлар учун ҳам жуда фойдали ва ейишли. Шу билан бирга, тўқайда юлғунларнинг 5 дан ортиқ турлари учрайди. Улар ингичка шохли, майда, тангачасимон барглари кўпинча кул ёки кўк рангларда бўлади. Унинг муҳим хусусиятларидан бири шўрга чидамлилигидир. Шўрланган, бўш қолган жойларни эгаллаб олиб, ерни ҳимоя қилувчи мелиоратив функцияни бажаради.

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР

Биосфера резервати ҳудудида эрамиздан аввалги III-IV асрларга мансуб бўлган Шилпиқ қўрғони ҳамда IX-XI асрларга тааллуқли Ямпиқ ва “Гуар” қалъалари жойлашган.

Бу ердаги тарихий обидалар эрамиздан аввалги III-IV асрлардаги аҳолининг кўчманчиликдан, ўтроқ маданий турмуш тарзига, деҳқончиликка ўта бошлаганини кўрсатади. Одамлар Амударё бўйидаги тўқайзорлардан фойдаланиш, улардан қурилиш материаллари, ёқилғи, мол боқиш, ёввойи ҳайвон ва қушларни овлаш, меваларни йиғиб истеъмол қилиш ҳамда ерларни ўзлаштириш билан шуғулланган бошлаганлигидан дарак беради. Манбаларга қараганда, V, VII асрларда қадимги Хоразм давлати 800 минг гектар суғориладиган ер майдонига эга бўлган. Айнан шу даврда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик тез ривожлана бошлаган. Тарихий обидаларни кўриш мақсадида мамлакатимизнинг турли сарҳадларидан, баъзан хорижий сайёҳлар ташриф буюради. Бундан ташқари, уларни янада чуқурроқ ўрганиш учун илмий ходимлар, олий, ўрта ва махсус таълим, умумтаълим мактабларидан талаба ва ўқувчилар ҳам тез-тез экскурсияга келиб турадилар.

Биз ҳали мавзуга қайтамиз!

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
“Ishonch” мухбири

Газетанинг навбатдаги сони 9 июн, сешанба куни чиқади.

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-6002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay’ati:
Abdulaziz Abdullayev, To‘lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug‘bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O‘rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o‘rinbosari)*, Akmal Toshev

BO‘LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e’lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg‘ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **19:50**
Topshirildi — **20:20**
2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma Г — 615. 18921 nusxada bosildi. Nashr ko‘rsatkichi: 133